



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 179 (7920). 24 сентябрь, 1982 йил ЖУМА Баҳоси 3 тийин.



ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

- Ташаббускор Бўка районининг пахтакорлари ҳамон теримда карвонбошилиқ қилмоқдалар.
- Ўтган куни Ғалаба районининг заршунослари йиллик планга нисбатан 6,20 процент пахта тайёрлаб, областда энг юқори кўрсаткичга эришдилар.
- Пискент, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон районларининг пахтакорлари ўтган куни областнинг ўртача кўрсаткичидан юқори пахта тайёрладилар.
- Илғорлардан ўртак олиб, теримни тобора авж олдирайлик. Терим суръатининг кундан-кун ўсишига эришайлик!

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

22 сентябрь куни областимиз пахтазорларида 2748 терим машинаси ишлади. Уларнинг ҳар бири бункеридан ўртача 5,6 тоннадан «оқ олтин» тўқилди.

Ғалаба ва Пискент райони механизаторлари кунлик ўсишда энг юқори суратга эришмоқдалар. Ўтган куни ҳар бир машина билан 7,2 тонна пахта терилди. Бу районларда 22 сентябрь куни 434—208 та терим агрегати ишлатилди.

Оққўрғон райони механик-ҳайдовчилари ҳам кунига бир машина билан 6 тоннадан пахта теришга эришмоқдалар.

Бекобод ва Янгийўл районлари механизаторлари пахта йиғим-теримида ҳамон сусткашликка йўл қўймоқдалар. Ўтган куни бу районларда машиналарнинг ўртача иш унуми 4—4,1 тоннага тўғри келди, ҳолос.

АДОЛТ ҒАЗИМОВА:

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

БЕКОВОД. Ленин номи колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Ғазимова бошлиқ кўнрақ бригадаси йиғим-теримни уюшди. Билан олиб бориб, дастлабки маъраи эгаллади. «СССР 60 йиллигига» 60 центнер ташаббусининг инқодорларидан бири бўлган илғор коллектив 78 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» йиғштириб олди.

Ҳосилининг 85 процентдан кўпроги машиналарда терилди. Ға мекхат отпусчасини пахтазорларда ўтказишни одаб қилган район комсомол комитетининг секретари Маалудга Эгманзарова бу йил ҳам бригада пахтазорларида «загнори кема» руқини бошқариб, Шу кунгача у «пўлат отқилар»дан 70 тоннадан зиёд пахта тўқиб, бригаданинг халқ хўжалик планини мунддатдан ялғари баъжарилишига муносиб ҳисса қўшди.

Ғалиб коллектив аъзолари даладарда ҳосил чўғини ҳисобга олиб, СССР Конституцияси кунгача ҳар гектар майдондан 65 центнердан хирмон уйиш мажбуриятини олди.

УЧ БРИГАДА РАПОРТИ

БўКА. Машғал «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг биринчи теримдаёқ ҳар гектар майдондан 33,5 центнердан «оқ олтин» йиғштириб олди. Қабул пунктларига топширилган 280 тонна пахтанинг ҳаммасини бошда механизаторлари Сервер Усеинов ва унинг ўғли Али Усеиновлар териб беришди.

Эргаш Бозорбеков бошлиқ бригаданинг биринчи теримда 34,5 центнердан. Қудрат Умаров етакчилиги қилаётган бригаданинг 35 центнердан хирмон кўтарилиб, йиллик план 12 иш кунига бажарилди.

ТУРСУНОВА ОХУНОВА РЕКОРДИ

ЧИННОЗ. Киров номи колхозда ўтган куни йиллик планининг 5 процентини миқдорда пахта тайёрланди. Бу йил икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, дондгор механизатор Турсун Охунованинг ҳиссаси катта. Шу кун у «загнори кема» бункеридан 18 тонна

пахта тўқиб, районда рекорд натижага эришди. Т. Охуновдан ўртак олаётган дала гвардиячилари кунлик суръатни тобора оширмоқдалар.

ВАЪДАГА ВАФО

ҒАЛАБА. «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг пахтазорларида машина терими қизғин паллага кирди. Айрим тажрибали механик-ҳайдовчилар мавсум бошида қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажариб қўйдилар. Масалан, Ориф Мамедов мавсум бошидан бери мусобақада пешқадамлик қилиб, ўтган куни ўз ваъдасини ёруғ юз билан адо этди. Унинг хўжалик хирмонига тўққан пахтаси 140 тоннадан ошиб кетди.

О. Мамедовнинг мусобақадор Эшонқул Давлатов ҳам 140 тоннадан кўпроқ пахта териб социалистик мажбуриятини мунддатдан илгари бажарди.

ОТАХОН ВА ОНАХОНЛАР, ХОРМАНГИЗ!

ПИСКЕНТ. Шу кунларда Калинин номи колхозининг Бахтиёр Алиқулов бошлиқ бригадаси пахтазорларида мактаб ёшидаги ўғил-қизлардан тортиб 80 дан ошган табарруқ кенсаларини ҳам учратиш мумкин. Ахбор ота Умаров бошлиқ гайратли пенсионерлар бригада коллективига баҳоли қудрат ёрдам бермоқдалар.

«Хамманинг ўрни далада» шioriға амал қилаётган Жумабой ота Норматов, Икром ота Хайитқулов, Зулайхо ая Тўрақулова, Ронла ая Набиқова, Ўрозали ота Мирзаевлар кунига колхоз хирмонига 30—35 килограммдан дурдона териб тўймоқдалар. Ахбор ота Умаров бошлиқ ва меҳнат ветеранлари бригадасига бирлашган 100 нафар отахон ва онахонлар СССРнинг 60 йиллик тўйига 60 тонналик пахта хирмонини ҳади этишга астойдил бел боғлашган.



«ПАХТАКОР-82» СУРЪАТНИ ОШИРМОҚДА

Оққўрғон. Турли касб эгалари бўлган комсомол-ешлардан тузилган бу зарбдор отряд аъзолари терим суръатини кун сайини оширмоқдалар. Мавсумда камида 100 тонна пахта териб мажбуриятини олган гайратли ёшлар ўтган кунга Навоий номи колхоз хирмонига 3 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўқинди.

Отряд аъзолари ўртасида ташкил этилган мусобақада Ойли Азимова, Норхонли Алиева, Гулнора Холимирзаева каби чевар теримчилар пешқадамлик қилишадилар. Улар кунига 70—75 килограммдан пахта теришмоқда.

23 СЕНТЯБРГАЧА

БўКА РАЙОНИДАН

Элбой ОЧИЛОВ — «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан — 17ХВ-1,8 маркали машинада, бир кунда 16 тонна, мавсум бошидан бўён 186,6 тонна.

Сервер УСЕИНОВ — «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан — 17ХВ-1,8 маркали машинада, бир кунда 11 тонна, мавсум бошидан бўён 181 тонна.

Михайл ГАЛИН — «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан 17ХВ-1,8 маркали машинада, бир кунда 11 тонна, мавсум бошидан бўён 175 тонна.

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАН

Михайл КОВЕШИНИКОВ — «Оққўрғон» совхозидан — ХНП-1,8 маркали машинада, бир кунда 13 тонна, мавсум бошидан бўён 146 тонна.

Сидхор ТАСТОНБЕКОВ — «Оққўрғон» совхозидан — ХНП-1,8 маркали машинада, бир кунда 12 тонна, мавсум бошидан бўён 134 тонна.

Курбон ИЛЕСОВ — «Ленинград» колхозидан — 17ХВ-1,8 маркали машинада, бир кунда 12 тонна, мавсум бошидан бўён 102 тонна.

ПИСКЕНТ РАЙОНИДАН

Жуманазар МҲМИНОВ — Свердлов номи колхозидан — 17ХВ-1,8 маркали машинада, бир кунда 12 тонна, мавсум бошидан бўён 11 тонна.

Норбой БАЛИЕВ — «Гулистон» колхозидан — 14ХВ-2,4 маркали машинада, бир кунда 14 тонна, мавсум бошидан бўён 61 тонна.

Ғалаба РАЙОНИДАН
Ғазабой НИШОНОВ — «Победа» колхозидан — 14ХВ-2,4 маркали машинада, бир кунда 16 тонна, мавсум бошидан бўён 75 тонна.

ПИСКЕНТЛИК ПЕНСИОНЕРЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

МАДАД БРИГАДАЛАРИ

КАТТА йўл ёқасидаги пахтазор уфқидан яқинда бош кўтарган қўш нурларни остида кўмушдан янголаниб турибди. Ўзга шохлариданги беҳисоб чаноклар бодрокдек очилган. Пахтазордан шабнам кўтарилиши билан теримни бошлаган чеварлар билан ёнма-ён эгитларда соҳилларни пахтадек оппоқ отахонларни, нуруйи онахонларни учратасиз. Мана, 84 баҳорини қаршилаган бўлса ҳам ҳали бардам Абдулла ота Хатамов чаноклардаги дўппи-дўппи пахталарни нафтида жамлаб, сўғ атакка жўнлайпти. Унинг ёнида уруш ветеранлари Самигул Мадумаров, Мухтор Раҳимов, Норматилла Исмагулов ва онахонлар, Қаҳрамон она, пенсионер Олимбой Тўйчибекова сингари онахонлар, унинг турмуш ўртоғи, 78 ёшли Талаббай ота Тўйчибековлар ҳам пахта тератириллар.

Улар Янгийўл райониданги «Партия XXI съезди» колхозининг меҳнат ва улуг Ватан уруши ветеранларидан, пенсионерлар, уй бекаларидан ташкил топган мадад бригадасига уюшганлар. Бригадага уруш ветерани Турсунот ота Азимов бошлиқ қилди. Яна 20 нафар отахон ва онахонни бирлаштирган 2-мадад бригадаси хўжалигининг Ўднов участкасида колхозчи ўғил-қизларига баҳоли қудрат ердам беришти.

Пискент райони пенсионерлари, Улуг Ватан уруши ва меҳнат ветеранларининг Мурузжаати эълон қилинганидан хабар топган бу олий-ҳиммат отахон ва онахонлар кўрсатаётган идорасига тўпланишди. Ўшанда гуруҳини Абдулла ота Хатамов бошлаб берди.

Эсимни таниганим, шу ерларда ишлаб келиман, — деди отахон. — Камбағал батраклар бирлашиб колхоз туздики, хўжалигини оёққа тургазиш учун куч-гайратини аямдик. Мана, кейинги йилларда колхозимиз бақувват хўжаликлардан бирига айланди. Қишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровон бўлиб борапти. Бунинг ҳаммаси асосий бойлигимиз — пахтадан эканлиги ҳаммамизга яхши маълум.

Бу йил колхозчи ўғил-қизларимиз 40 центнердан ҳосил олиш, даладга 2880 тонна пахта топшириш мажбуриятини олишибди. Улар меҳнатининг самарасини кўриб турибмиз. Аммо, ҳосилнинг даладасига эмас, хирмондасига ҳисоб. Механизатор

Янгитларимиз юқинги оғирини зиммаларига олади-кан бўлса-да, колхозимизда пахта териш машиналари яхши юра олмайдиган паст-баланд ишлар кўп. Кейин куз давосига ҳам ишчилик бўлмайди. Шундай экан, пенсионерлик тегишларимиз давлатига қўшилиб, ҳаммамиз бир ёқадан беш чикариб теримга чиқсан колхозимиз плани теворқ тўлади, юзмига ерут бўлади. Биз 2 та мадад бригадаси ташкил этишга қарор қилдик. Ҳар бир уруш ва меҳнат ветерани, пенсионер ва уй бекаси мавсумда 1 тоннадан пахта териб беришга сўз берди. Ташаббусимиз «Янгийўл» район газетасида эълон қилинди.

...Ҳозир ҳимматли отахон ва онахонлар теримчи ўғил-қизлари билан бир сафда туриб, етиштирилган мўла ҳосилини қисқа мунддатда йиғиштириб олиш учун ҳаракат қилишар.

— Бу ҳимматли ташаббус барча пахтакор ва механизаторларни руҳлантириб юборди, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадмин Мараҳимов. — Уларнинг намунаси колхоздаги ҳар бир кишини пахта теримига бевосита иштирок этишга ундапти. Ҳозирнинг ўзида давлат қабул пунктларига планининг 40 процентига яқин миқдорда «оқ олтин» етказиб бердик. Қарияларимизнинг ҳиммат кўрсатаётганликлари учун ёғин-сочини кунларда ҳам терим суръати бушамди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилати катта ҳиммат кўрсатаётган отахон ва онахонлар меҳнатини юқори қадрлайпти. Яқинда колхоз тузумининг ветерани Абдулла ота Хатамовга мукофотга «Йилги» энг автомашинаси берилди. Пенсионерларнинг мадад бригадаларига транспорт воситалари ажратиб берилган. Теримда иштирок этаётган отахон ва онахонларга бевул иссиқ овқат ташкил этилди.

Эрта тонгдан оқшомгача пахтазорларда ишчилик меҳнат ҳукм сурди. Кечкилайт «оқ олтин» ортилган карвонлар қабул пунктларига йўл олар экан пахтазордан қайтаётган отахон ва онахонлар уйлаётган улкан хирмонда ўз ҳиссалари борлигидан мамнун бўладилар. Бу уларга куч-гайрат бағишлайди, эрта тонгдан яна дўдага чорлайди.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири

ЯНА КЎРИШГУНЧА, ХАСКОВОЛИК ДЎСТЛАР!

Областимизда меҳмон бўлиб турган Болгария Халқ Республикаси Хасково округининг партия делегацияси аъзолари кеча Тошкент шаҳар Ҳамза район партия комитетига бўлдилар.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нахмидинов Болгариялик дўстларга район партия ташкилотининг экономикага раҳбарлик қилиш тажрибаси, меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишлари тўғрисида гапириб берди. Делегация аъзолари партиявий-ташкилий ишлар ва снсий маориф кабинетлари билан танишдилар.

Шундан сўнг хасковелик меҳмонлар «Таштсельмаш» заводига бўлдилар. Корхона директори О. В. Новичий Ўрта Осиёда энг йирик корхоналардан бири бўлган заводнинг барпо этилиши ва ривожлантирилиши, ишчилик хўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган техника воситалари

ри, келажакдаги режалар тўғрисида сўзлаб берди. Партия делегацияси аъзолари корхона меҳнатини кўздан кечирилди.

Меҳмонлар Р. Р. Шредер номидаги бодгорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлдилар. Бу сафарда уларга Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахоннов ҳам ҳамроҳ бўлди. Партия

Болгария Халқ Республикаси Хасково округининг партия делегацияси бир неча кун давомида областимиз сановат корхоналари, хўжаликлари, илмий муассасалари ва ўқув юрталарида бўлиб, тошкентликларнинг КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш, ун биринчи беш йилликнинг иккинчи йили планларини муваффақиятли бажариб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишдилар.

Суратда: болгариялик дўстлар Янгийўл райониданги Калинин номи колхозининг Тожиқон Ҳамробекова бошлиқ элименттерчи бригадаси пахта даладарига.

тия делегацияси аъзолари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти, бирлашма олимлари яратётган янгилар билан танишдилар. Шу кун меҳмонлар Тошкент метрополитенида бўлиб, унинг станцияларини кўздан кечиришди.

Бугун Болгария Халқ Республикаси Хасково округининг партия делегацияси Ватанига жўнаб кетадилар.



А. Абалди фотос.

